

Сингапурда муслима олима беш дақиқада коронавирусни аниқлайдиган тест ишлаб чиқди



17:18 / 25.03.2020 6507

Сингапур олимлари томонидан коронавируснинг янги турини ташхислаш учун тезкор тест ишлаб чиқилди, дея Straits Times фан-технология ва тадқиқотлар агентлиги профессори Жекки Инга таяниб [хабар берди](#).

Янги «Serat» тест тизими вируснинг генетик моддаси борлигини аниқлайди ва 5-10 дақиқада натижани беради, дея таъкидлади профессор. Унинг сўзларига кўра, тестдан оммавий фойдаланиш учун лицензия бир ой ичида олиниши керак.

Профессор Жеки Ю.Ин, Сингапурдаги Биоинженерия ва нанотехнология институтининг ижрочи директори, АҚШ Миллий ихтирочилар

академиясининг ходими деб тан олинди. Профессор олима 30 ёшдан кейин Ислонни қабул қилди, шунингдек, 2015 йилда биотехнология соҳасидаги инновациялар учун 500 минг долларлик Мустафо мукофотининг биринчи ғолибига айланди.

Манба: sof.uz